

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

НАРЗИКУЛОВА КУМРИЖОН ИСЛОМОВНА

**КЎЗ ЮЗАСИНИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИ
КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ КЛИНИК-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БАҲОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

УДК: 617.7+616-002:612.014.44:616-092-08

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Нарзикулова Қумрижон Исломовна

Қўз юзасининг яллиғланиш касалликларини
комплекс даволашни ишлаб чиқиш ва унинг
самарадорлигини клиник-экспериментал баҳолаш 3

Нарзикулова Қумрижон Исломовна

Разработка и клинико-экспериментальная оценка
эффективности комплексного лечения воспалительных
заболеваний глазной поверхности 29

Narzikulova Kumrijon Islomovna

Development and clinical – experimental assessment
of the effectiveness of complex treatment of inflammatory
diseases of the eye surface..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

НАРЗИКУЛОВА КУМРИЖОН ИСЛОМОВНА

**КЎЗ ЮЗАСИНИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИ
КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ КЛИНИК-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БАҲОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib138 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tdsi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бахритдинова Фазилат Арифовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Park Sang Woo (Жанубий Корея)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юсупов Амин Азизович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Исроилов Ражаббой
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Ocusan» офтальмологик клиникаси, Брасов (Руминия)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.М. Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кўриш тизимининг пасайиши ва унинг оқибатида юзага келадиган касалликлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, кўз яллиғланиши касалликларидан ҳар йили 16 миллионга яқин киши азият чекиб, амбулатор қабулнинг 40,2% ини ташкил этади ҳамда унинг нозологик кўринишлари орасида конъюнктивит (60%) ва кератит (10%) ни ташкил қилади. Мазкур касалликлар кўриш қобилятининг пасайиши билан бирга кечиб, 26% ҳолатда жиддий асоратларга олиб келади, ҳатто 19% ҳолатда кўриш органини йўқотилишига ҳам сабаб бўлади¹.

Жаҳонда кўз юзасининг яллиғланиш касалликларини комплекс даволаш ва унинг самарадорлигини клиник-экспериментал баҳолашга қаратилган тадбирларга эришиш мақсадида катор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бу борада, кўзнинг яллиғланиш касалликларининг келиб чиқиш сабаблари исботланмаган; шох парда хиралигига олиб келувчи эндоген ва экзоген омилларни касаллик ривожланишига салбий таъсирини асослаш; кўзнинг яллиғланиш касалликларининг тажриба ҳайвонларида ривожланиш механизмини асослаш; кўз яллиғланиш касалликларининг эрта ташхислаш клиник мезонларини ишлаб чиқиш; касалликнинг ривожланишида биокимёвий кўрсаткичларни солиштирма баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш; кўзнинг яллиғланиш касалликларини даволашда лазер нурлари билан даволашда миқдор кўрсаткични ўрганиш зарурлигини асослаш; касалликнинг эрта ташхислаш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш; кўз касалликларини даволашда замонавий технологиялардан фойдаланишда уларнинг афзалликларини исботлаш; лазер нурида даволашда касаллик асоратларини камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларини тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди, тиббиёт амалиётига офтальмологик касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш усулларининг тадбиқ қилиниши аҳолининг турли қатламлари орасида кўзнинг турли омиллар таъсирида юзага келадиган яллиғланиш касалликларнинг камайишга олиб келди. Бу борада клиник амалиётга кенг қамровли дастурий тадбирлар тадбиқ қилиш, кўриш тизимининг касалликларини эрта аниқлаш, ташхислашнинг замонавий усулларини қўллаш натижасида беморларнинг ҳаёт тарзининг яхшиланиши ва касаллик оқибатида асоратлар сони 10-12% камайиши аниқланди. Бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар, жумладан, кўз касалликларнинг профилактика ва ташхислаш, замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш,

¹ Tommy Ch.C.Y., Wan K.H., Shih K.C. Advances in dry eye imaging: the present and beyond // British Journal of Ophthalmology. 2017. №1. doi: 10.1136/bjophthalmol-2017-310759

аҳолининг турли қатламлари орасида ҳаёт сифатини оширишда муайян ахамият касб этади².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Кўз юзасининг яллиғланиш касалликларини даволашда фотодинамик терапиянинг таъсирини аниқлаш, самарали даволаш тизимини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Universität des Saarlandes, Ophthalmosurgical Center of Wuppertal (Германия); University of Auckland (Янги Зеландия); Sackler Medical School, Tel-Aviv University (Исроил); Higher Medical School of Ehime (Япония); Seran Eyelid Clinic (Жанубий Корея); «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий техник комплекс, Россия тиббиёт академияси Тиббий радиологик илмий маркази (Россия); В.П. Филатов номидаги кўз касалликлари ва тўқималарни даволаш институти (Украина); Қозоғистон кўз касалликлари илмий текшириш институти (Қозоғистон) ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда кўзнинг яллиғланиш касалликларини ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган усулларни такомиллаштириш борасида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: фотосенсибилизаторларнинг нурланиши, микроорганизмларнинг мембранаси ва нуклеин кислотасини зарарловчи кислороднинг эркин радикаларини ажралишига олиб келиб, яллиғланган шох парда қаватларида коллаген толаларининг янада кучли тармоқларининг юзага келтириши исботланган (Universität des Saarlandes (Германия); офтальмологик амалиётда интакт тўр парда ва қон томирли парданинг фотодинамик шикастланишининг салбий зарарлантирувчи кўрсаткичлари исботланган (Ophthalmosurgical Center of Wuppertal (Германия); фо-

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.uniklinikum-saarland.de>, <http://www.hauck-rohrbach.de>, <https://www.fmhs.auckland.ac.nz>, <https://www.tau.ac.il>, <http://www.m.ehime-u.ac.jp>, <http://www.mntk.ru>, <https://www.institut-filatova.com.ua>, <http://mrrc-obninsk.ru/main>, <https://www.eyeinst.kz>, <http://www.rsmu.ru>, <http://helmholtz-eyeinstitute.ru>, <http://bascompalmer.org>, <http://www.unifesp.br>, <http://www.m.ehime-u.ac.jp>, <http://cu.edu.eg/ar>, <https://www.regionorebrolan.se>, <https://www.kkesh.med.sa>, <http://www.evms.edu>, <http://www.unica.it>, <http://www.BMJ>, <http://www.pub-med.com> ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

тодинамик терапиянинг кам инвазивлиги ва шох пардада патологик ривожланган янги қон томирлар тармоқларини, тўқималарга таъсир этмаган ҳолда даволаш хусусияти исботланган (University of Auckland (Янги Зеландия); лаборатория шароитида фотодинамик терапиянинг антибиотиклар билан комбинирланган ҳолда қўллашда, фототоксик ҳамда бактерияларнинг ҳужайра деворларига литик таъсири исботланган (Sackler Medical School, Tel-Aviv University (Исроил); фотодинамик лазер ва метилен кўки билан биргаликда даволаганда *Acanthamoeba* бактерияси патоген штаммининг фотосенсибилизатор концентрациясига тўғри пропорционал равишда кескин пасайиши исботланган (Higher Medical School of Ehime (Япония); тўр пардада чуқур морфологик ўзгаришларга ва хориоидеяда циркулятор бузилишларга олиб келмайдиган лазерли нурланиш энергия зичлигининг оптимал диапазони асосланган (Seran Eyelid Clinic (Жанубий Корея); тажриба моделларда фотодинамик терапиянинг турли этиологияли неоваскуляризацияга бўлган таъсири исботланган («Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий техник комплекс (Россия); фотодинамик терапиянинг микробларга қарши таъсирининг ижобий самарадорлиги исботланган (В. П. Филатов номидаги кўз касалликлари ва тўқималарни даволаш институти (Украина), Россия тиббиёт академияси Тиббий радиологик илмий маркази (Россия); фотодинамик терапиянинг яллиғланишга қарши таъсирининг клинкоморфологик кўрсаткичлари исботланган (Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

Дунёда кўзнинг яллиғланиш касалликларини даволашнинг янги усуллари клиник-морфологик ёндашув асосида асослаш қўйидаги устувор йўналишлари, жумладан, кўз яллиғланиш касалликларининг этиологик ва патогенетик механизмини самарали даволаш тизимини ишлаб чиқиш; турли экологик омилларнинг инсон организмига салбий таъсирини асослаш, кўз юзаси шиллик қаватларида яллиғланиш касалликларини ташхислаш ва комплекс даволаш мезонларини ишлаб чиқиш; бактериал флоранинг ўрни ва экзоген омилларнинг кўриш аъзолари яллиғланишини ривожланиши билан узвий боғлиқлигини исботлаш; фотодинамик терапия қўллаб даволашда замонавий самарадор тизимини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда дунёда кўз юзаси яллиғланиш касалликларининг миқдори ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Буни тўғри англаган тадқиқотчилар, асосан, фотодинамик терапиянинг рағбатлантирувчи, микроциркулятор ва яллиғланишга қарши таъсирларини ўрганишга интилмоқдалар (Mito T., Suzuki T., Kobayashi T., 2012; Szentmáry N., Goebels S., Bischoff M., 2012; Wang J., Stachon T., Eppig T., Langenbucher A., 2013; Arboleda A., Miller D., Cabot F., Taneja M., 2014; Goh Y.W., McGhee C.N., Patel D.V., 2014; Hamdan J., Boulze M., Aziz A., 2015; Kim R.Y., Chung S.K., Kim M.S., Ra H., 2016.). Ю.А. Белий (2007) ишларида шох парда бактериал яраларини локал даволашда фотодинамик терапия таъсири очиб берилган. М.С.Ал-Астал (2006) шох парда неоваскуляризациясида тўлқин узунлиги 578 нм бўлган метилен зангори ҳамда лазерли нурланиш ёрдамидаги фотодинамик терапия таъсирини ўрганиш бўйича тажриба

тадқиқотларини олиб борган. А.В. Терешченко (2010) томонидан тажрибавий эндофтальмит моделларининг микробга қарши фотодинамик таъсирлари морфологик баҳоланган. Н.В. Пасечникованинг (2014) ишларида метилен кўкининг паст интенсивли лазер нурлари билан комбинациясидан фойдаланиш тажриба қилиб кўрилган.

Мамлакатимизда эса бу йўналишда фақатгина юқумли ва юқумли бўлмаган этиологияли кўз яллиғланиш касалликлари бўйича бир неча изланишлар олиб борилган, жумладан, М.Х.Каримова (2000) кўзнинг яллиғланиш касалликларини клиник кўринишлари организмнинг турли хил индивидуал ўзига хослигига боғлиқлигини аниқлаган, А.У.Закиров (2000) изланишида яллиғланишга қарши янги дори воситаларининг истиқболи тўғрисида ёритилган, Х.М.Камилов ва М.Д.Гулямоваларнинг (2005) кўрув аъзоларидаги герпес вирусли аралаш-инфекциянинг клиник-лаборатор белгиларини ўрганишган, Ш.С.Бектурдиев (2007) кўзнинг хламидияли яллиғланишларида даво усуллариини такомиллаштириш масалаларини ўрганиб чиққан, Ш.А. Жамалованинг (2008) тадқиқотида айрим кўз яллиғланиш касалликларини даволашда маҳаллий 0,5%ли бензкетозон суртмасини қўллашнинг клиник-морфологик кўрсаткичлари натижалари ўрганилган. С.Ш. Миррахимова (2012) озонотерапия ёрдамида инфекцион ва ноинфекцион генезли кўз яллиғланиш касалликларини комбинирлашган даволаш самарадорлиги аниқланган. Фотодинамик терапияни қўллаш усули бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда, жумладан, абдоминал жарроҳликда полилазерли нурланишнинг имкониятлари ва истиқболлари (Калиш Ю.И., Вахидов В.В., Садиков Р.А., 1991), фотодинамик терапиянинг дерматовенерологиядаги аҳамияти ўрганиб чиқилган (Байбеков И.М., Мавлян-Ходжаев Р.Ш., 2000) ва юқорида кўрсатилган изланишлар асосида бизнинг олимларимиз томонидан жарроҳликда қўллаш учун «ФДУ-1» ускунаси яратилган (Садиков Р.А., Мавлян-Ходжаев Р.Ш., 2009.), юз - жағ ва бўйиндаги гемангиомаларни комплекс хирургик даволашда ушбу «ФДУ-1» ускунасини қўллаш асосланган (Садиков Р.Р., 2011), йирингли гайморитда фотодинамик жарроҳликнинг самарадорлиги аниқланган (Шайхова Х.Э., Мухитдинов З.Н., 2015), йирингли яраларда анъанавий ва фотодинамик терапиянинг самарадорлиги аниқланган. (Teshayev O.R., Murodov A.S., Sadykov R.R., 2016).

Кўз юзасининг яллиғланиш касалликларини ўрганиш ва даволашга қаратилган ишларнинг кўплигига қарамай, бу тур касалликларнинг учраш даражаси ҳамда асоратлар фоизининг ортиб бораётганлиги даволаш усуллариини такомиллаштириш борасидаги изланишларни давом эттириш лозимлигини кўрсатади. Лазерли ускуналар ва хорижда ишлаб чиқариладиган фотосенсибилизаторларнинг қимматлиги, шунингдек, етарлича келтирилмаётганлиги сабабли фотодинамик терапия аҳолининг айрим қатламлари учун қимматлик қилади. Ҳозирги кунда бизнинг олимлар томонидан фотодинамик терапияга мўлжалланган маҳаллий АЛТ «Восток» ускунаси яратилган.

Аммо, шу кунгача, Ўзбекистонда фотодинамик терапиянинг кўзнинг оптик муҳитлари ҳамда кўз соққасига бўлган таъсири, бирмунча чуқурроқда жойлашган юқори тақсимланган кўз тузилмасига зарар етказиши мумкин бўлган таъсири, шунингдек, маҳаллий лазер қурилмалари ёрдамида кўзнинг яллиғланиш касалликларини даволашда фотодинамик терапияни қўллашга йўналтирилган ишлар амалга оширилмаган. Шу боис маҳаллий АЛТ «Восток» аппарати билан кўз юзаси яллиғланиш касалликларини фотодинамик терапияни қўллаб даволашда нурланишнинг кўрув аъзоларига зарарсиз дозалари ва кучланишини ишлаб чиқиш бўйича тажриба-клиник тадқиқотлар олиб бориш зарур эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг «Офтальмология амалиётига янги дори усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда кўз касалликларининг айрим турларини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот ишлари режасига (2015-2018 йй.) мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажриба ва клиникада маҳаллий ускунада фотодинамик терапия дозалари ва кучланишини ишлаб чиқиш орқали кўз юзаси яллиғланиш касалликларини даволаш натижаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тажриба орқали маҳаллий АЛТ «Восток» ускунасида турли доза ва кучланишдаги лазер нурларининг кўриш органига таъсирини ўрганиш ва нурланишнинг зарарсиз миқдорини ишлаб чиқиш;

фотодинамик терапиянинг клиник-морфологик ва биокимёвий белгилар динамикасида кўзнинг куйиш жароҳати экспериментал моделида яллиғланишга қарши ҳамда қайта тикланувчи жараёнларга бўлган таъсирини баҳолаш;

фотодинамик терапия ёрдамида кўз юзаси яллиғланиш касалликларини комплекс даволаш схемасини ишлаб чиқиш;

кўз юзаси яллиғланиш касалликлари бўйича таклиф этилган комплекс даволаш усулининг клиник-лаборатор самарадорлигини баҳолаш;

кўз юзаси яллиғланиш касалликларини даволаш бўйича таклиф этилган усулнинг эндотелиал интоксикация ҳолати ва липидлар пероксидли оксидланишига маҳаллий таъсирини очиқ бериш;

кўз юзаси яллиғланиш касалликларини даволашнинг такомиллаштирилган усулини офталмология амалиётига жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 130 та вивария стандарт шароитларида сақланган 150 граммли ночизиқли каламуш ва Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникаси кўз касалликлари бўлими ҳамда Шошилинич ёрдам клиник шифохонасида кўз яллиғланиш касалликларига чалиниб кўриқдан ўтган 110 та кўз олинган.

Тадқиқотнинг предмети кўз юзаси яллиғланиш касалликларини тажриба шароитларда ташхислаш мақсадида чизиксиз жинсий этилган

каламушлар ва уларнинг қони, конъюнктивит ва кератит ташхиси қўйилган беморлар ҳамда уларнинг кўз ёш суюқлиги олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотини вазифаларни бажаришда клиник-функционал текширув (кўзни ташқи кўриқдан ўтказиш, фокал ёритиш орқали текшириш, визиометрия, биомикроскопия, офтальмоскопия), конъюнктивал бўшлиғи суртмасининг бактериологик текшируви ва ҳайвонлар қони ва беморлар кўз ёш суюқлигининг биокимёвий текшируви, ҳамда статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ускунада лазерли нурланишнинг турли даражадаги фотодинамик миқдорларини тажрибада кўриш органининг фаолиятига таъсир этиш натижасида юзага келадиган морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгариш натижалари асосланган;

фотодинамик терапияни қўллашда хавфсиз ва самарадор лазерли нурланиш параметрлари 300 мДж/ли миқдорда ва 630 нм/ли тўлқин узунлигида таъсир механизми, 1% ли метилен кўки эритмаси билан 3 дақиқа давомида қўллаш офтальмологияда терапевтик миқдор ҳисобланиб, кўзнинг шох пардасида деструктив ўзгаришлар юзага келмаслиги исботланган;

шох парданинг куйиши тажриба моделида ва биокимёвий текширувлар натижалари асосида маҳаллий АЛТ «Восток» ускунаси ёрдамида фотодинамик терапиядан фотосенсибилизатор сифатида метилен кўки билан фойдаланилганда турли хил офтальмопатологияда ушбу даволаш усулини клиник қўллаш асосланган;

кўз юзаси яллиғланиш касалликларини фотодинамик даволаш тартиби орқали комплекс даволашдан кейин кўзнинг олдинги муҳитининг тикланиши ва яллиғланишга қарши қўллашдаги самарадорлиги исботланган;

кўз юзасининг яллиғланиш касалликларини комплекс даволашда фотодинамик терапияни қўллаш конъюнктивитлар ва кератитларнинг клиник манзарасидаги яллиғланиш инфилтратларини камайтириб, шох парда эпителизациясини кучайтириши аниқланган;

эндоген интоксикация ҳолати ва липидлар пероксидли оксидланишининг яллиғланиш жараёнига таъсири механизми исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таклиф этилган миқдорлаш усулини амалий офтальмологияга тадбиқ этиш мақсадида олинган клиник-морфологик ва биокимёвий кўрсаткичлар асосида кўриш органи учун хавфсиз нурланиш миқдорлари ҳамда кучланиш қуввати ишлаб чиқилган;

кўзнинг куйиш орқали шикастланиши тажриба моделида фотодинамик терапиянинг қайта тикланиш ва яллиғланишга қарши самарадорлиги ва кўзнинг яллиғланиш касалликларида ушбу даволаш усулини қўллаш мумкинлиги исботланган;

кўз юзаси яллиғланиш касалликларида эндоген интоксикация ҳолатини аниқлаш орқали таклиф этилган комплекс даволаш усулини қўллашнинг патогенетик асосланганлиги аниқланган;

республикамиз амалий офтальмологиясининг истиқболли йўналиши ҳисобланган кўз юзаси яллиғланиш касалликларини комплекс даволашда фотодинамик терапияни қўллаш усули ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи клиник-функционал, биокимёвий, бактериологик усуллар билан тасдиқланган ҳамда етарли даражада тажриба ҳайвонлари ва беморларнинг сони, кўзнинг яллиғланиш касалликларнинг клиник тажриба шароитида даволаш ва олдини олишнинг ўзига хослиги такомиллаштирилганлиги, олинган натижалар ишончли тартибда статистик ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосланган хулоса ва таклифларнинг фотодинамик терапияни офтальмологияда қўллаш нурланишнинг кўриш органи учун зарарсиз дозалари ва кучланиш миқдорини ўрганиш ишига муносиб ҳисса қўшганлиги, маҳаллий ускуна воситаси ёрдамида таклиф этилган комплекс даволаш усулини турли хил офтальмопатологияларда клиник қўллаш учун асос бўлганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўз юзаси яллиғланиш касалликларини фотодинамик терапия қўллаб комплекс даволаш конъюнктивит ва кератитларда кўриш органи ҳолатини яхшилашга олиб келганлиги, бу эса яллиғланиш инфльтрациясининг пасайиши, шох парда эпителизациясининг кучайиши ва даволаш муддатининг қисқаришига олиб келганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўз юзаси яллиғланиш касалликларини комплекс даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини клиник-экспериментал баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Сирдарё вилояти Кўз касалликлари шифохонаси ва Бухоро тиббиёт институтининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 8 ноябрдаги 8н-м/347-сон маълумотномаси).

«Фотодинамик терапияни қўллаш орқали кўз юзасининг яллиғланиш касалликларини комплекс даволаш усуллари» номли рационализаторлик таклифномаси ишлаб чиқилган (№ 415, Тошкент, 2016.). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши яллиғланиш этиологияли кератоконъюнктивитларни даволаш усуллари такомиллаштиришга, касалликнинг зўрайиши ва асоратларини 90%га камайтиришга ва беморларнинг шифохонада бўлиш вақтини 2 баробарга камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кўз юзаси яллиғланиш касалликлари этиологияси, тарқалганлиги ва уларни даволашда фотодинамик терапия хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида кўзнинг яллиғланиш касалликлари муаммоларининг замонавий ҳолати, конъюнктивит ва кератитларнинг этиологияси, патогенези ва уларни даволаш, сурункали касалликларда фотодинамик терапиядан (ФДТ) қўллашнинг аҳамияти, офтальмопатология ва фотосенсибилизаторларнинг замонавий турлари ёритилган.

Диссертациянинг **«Тажрибавий ва клиник материалнинг умумий тавсифи материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида 130 та ночизикли жинсий етилган оқ каламуш ҳамда конъюнктивит ва кератит ташхиси қўйилган 70 нафар беморда (110 та кўз) ҳақидаги маълумотлар таҳлили келтирилган.

Тажриба тадқиқотлари икки серияда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошидаги Марказий илмий – текшириш лабораториясида профессор Р.Ш. Мавлян – Ходжаев раҳбарлиги остида амалга оширилди. Биринчи серия тадқиқотлари 60 та зотсиз оқ каламушда ўтказилган бўлиб, уларга турлича дозада нур берилган, шунингдек 5 та интакт каламуш ҳам тадқиққа тортилган. ФДТнинг режимига қараб 15 та ҳайвондан иборат 4 та гуруҳга ажратилди: биринчи 300 мДж импульсли режим (890 нм 3 дақ.); иккинчи 300 мДж импульсли режим (630 нм 3 дақ.); учинчи 60 Дж ФД режим (630 нм 15 сония); тўртинчи 120 Дж ФД режим (630 нм 30 сония). Ҳайвонлар ФДТдан сўнг 3-, 7-ва 14-кунда ўлдирилган.

Лазерли нурланиш ҳар куни 1 курсга 7 та нурлашдан АЛТ «Восток» ускунасида (ўнг кўз проекциясига (апертура 5 мм) терапевтик доза (ТД) - 300 мДж (890 ва 630 нм, импульс нурланиш) ва фотодинамик дозаларда (ФДД) 60 ва 120 Дж (630 нм тинимсиз нурланиш) ўтказилди.

Тажрибаларнинг иккинчи сериясида наркоз берилган каламушларга шох пардага монокутбли коагулятор билан таъсир кўрсатилди ва «ЭХВЧ -2 юқори частотали электрохирургик аппарат»и (Искандаров А.Ф. ва Хамидов Х.В томонидан яратилган)да термик куйиш ҳосил қилинди (хусусий илмий-ишлаб чиқариш ташкилоти (ХИИЧТ) «SUPROMED», Ўзбекистон, кучланиши 5 Вт, экспозиция 1 сония), иккинчи кўз интакт бўлиб қолаверди. Фотосенсибилизатор сифатида метилен кўк (МК) физиологик эритмасидаги 0,2 мл 1%ли сув эритмасидан, бевосита нурланишдан олдин кўзга томизилди.

ФДТ ҳар куни бир ҳафта давомида ҳар куни маҳаллий АЛТ «Восток» ускунасида ўтказилди. Ўтказилаётган таъсир этиш терапиясининг турига қараб 65 та ҳайвон 5 гуруҳга ажратилди: биринчиси – назорат гуруҳи (шох пардаси куйган 5 та ҳайвон – даволаш ўтказилмаган) ва шох пардаси куйган 4 та тажриба гуруҳи, уларнинг ҳар бирига 15тадан ҳайвон киритилган: иккинчи гуруҳҳайвонларига 0,25% левомецетин эритмаси томизилган (2 томчидан кунига 6 маҳал); учинчи гуруҳ ҳайвонларига 30 Дж, 3 дақиқали дозада фотодинамик нурлаш берилган; тўртинчи гуруҳ ҳайвонларига метилен кўки томизилган (2 томчидан кунига 3 маҳал); бешинчи гуруҳҳайвонларига МК эритмаси томдирилган, сўнгра 43 дақиқа давомида 30 Дж дозада фотодинамик нурлаш ўтказилди. Ҳайвонлар оний декапитация усулида даволашдан 3 ва 7 кун ўтиб ўлдирилган.

Кўз тўқимаси ва соққаси Лилли бўйича 10 % забуферен формалинда сақланиб, парафин қўйилди. Эни 4-5 мкм ҳажмдаги кесмалар гематоксилин-эозин билан бўялган.

Тажриба ҳайвонлари қон зардобидида ўртача оғирликдаги молекулаларнинг (ЎОМ), малон диальдегид (МДА)нинг миқдори аниқланди.

Клиник тадқиқотлар. ТТА II клиникаси базасидаги Тез тиббий ёрдам клиник шифохонасининг кўз касалликлари бўлимида конъюнктивит ва кератит ташхиси қўйилган 70 нафар беморни (110 та кўз) текширувдан ўтказдик. Конъюнктивит ва кератит ташхиси шикоятлар, анамнез маълумотлар, офтальмологик текширувлар, шунингдек, махсус диагностик тадқиқот усуллари асосида қўйилди. Шикастланиш турига қараб беморлар 2 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳга конъюнктивит бўлган 40 нафар бемор (80 та кўз), иккинчи гуруҳга эса кератит ташхиси қўйилган 30 нафар бемор (30 та кўз) киритилди. Касаллик 7 кундан 10 кунгача давом этган. Ўтказилган даволаш турига қараб беморлар икки гуруҳга ажратиб олинди: назорат гуруҳи (35 нафар бемор) ва асосий гуруҳ (35 нафар бемор). Касаллик нозологияси, тури, оғирлик даражаси ва клиник-функционал намоён бўлишига кўра гуруҳлар бир хил шакллантирилди. Назорат гуруҳидаги конъюнктивитга чалинган беморлар (20 нафар бемор – 40 та кўз) анъанавий қуйидагича даволанди: инстилляция 0,3% флоксимед (2 томчидан кунига 6 маҳал). 20 нафар асосий гуруҳ беморларига (20 та кўз) юқорида кўрсатилган даволаш усулига қўшимча равишда ФДТ ўтказилди: 1% ли метилен кўки (МК) сувли эритмаси томизилди, сўнг 5 кун давомида 300 мДж (630 нм) дозада 3 дақиқали фотодинамик нурлаш берилди. Юза кератитли 30 нафар бемор (30 та кўз) текширувдан ўтказилди. Барча ҳолатларда жараён бир томонлама бўлган.

Беморлар конъюнктивитли гуруҳдаги сингари ўтказилган даволашга қараб, 2 гуруҳга ажратилди: 15 нафар бемор (15 та кўз) дан иборат назорат гуруҳи ва касаллик давомийлиги, жойлашуви, этиологияси ва жараённинг давом этиш муддати бир хил бўлган 15 нафар бемордан иборат асосий гуруҳ.

Кератитга чалинган назорат гуруҳидаги 15 нафар (15 та кўз) бемор анъанавий терапия олган: конъюнктивал қопчага 0,3% флоксимед суртмаси қўйилган (кунига 4 маҳал), енгил мидриатиклар томизиш (2 томчидан кунига 2 маҳал) ва 20%ли солкосерил гели (1 томчидан кунига 3 маҳал).

15 нафар бемордан иборат асосий гуруҳ (15 та кўз) беморларига стандарт даволаш билан бирга 1% ли МК фотосенсибилизатор ва 300 мДж (630 нм) дозада 7 кун давомида фотодинамик нурланиш тайинланган.

Барча беморларга умумий терапия белгиланган: антигистамин воситалар (кунига 1 маҳал 1 та тугмадоридан супрастин), В гуруҳ витаминлар (2,0 в/м дан витамин В комплекс).

Кўриқдан ўтказишда стандарт офтальмологик тадқиқот усулларида фойдаланилди, бунда яллиғланишнинг оғирлик даражасига қараб, конъюнктивит ва кератитлар учун модификацияланган, Ю.Ф.Майчук ва Е.С.Вахова (1994) томонидан Гельмгольц номидаги Москва кўз касалликлари илмий – текшириш институтида ишлаб чиқилган клиник белгилар интенсивлиги даражасини баҳолашнинг 3 балли миқдорий усулидан фойдаланилди.

Шунингдек, кўздан ажралган суюқликнинг микробиологик текшируви ҳам ўтказилди. Ажратилган барча факультатив-анаэроб микроорганизмлар культурал, тинкториал, морфологик ва биокимёвий хусусиятлари асосида тур ёки кўриниш даражасида идентификация қилинди.


Тошкент тиббиёт академияси марказий илмий-тадқиқот лабораториясидаги 68 нафар беморда қон ва кўз суюқлигининг биокимёвий текшируви амалга оширилди.

Беморлар қон зардобиди ўрта оғирликдаги молекулалар (ЎОМ) даражаси аниқланди. Беморлар кўз ёши супернатантида МДА миқдори, каталаза фаоллиги ва оксил миқдори аниқланди.

Текширув давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети ёрдамида статистик қайта ишланди, қолаверса, статистик қайта ишлов беришнинг дастур ичига киритилган функцияларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Фотодинамик терапия самарадорлигини тажрибавий ва биокимёвий баҳолаш» деб номланган учинчи бобида морфологик ва биокимёвий текширув натижалари тақдим этилган. Тажрибалар биринчи сериясининг морфологик текширувлари 1- ва 2-назорат гуруҳларида (300 мДж, 890 ва 630 нм дозада) барча ўрганилган муддатларда артериал тўлақонлиги типиди микроциркуляция кучайиши намоён бўлишини кўрсатди. Бу ўзгаришлар қон томир ўз қобиғи ён бўлмачаларида ҳам, кўзнинг орқа қутбиди ҳам кескин кўринишда намоён бўлган. Шох парда эпителийси ёки тўрпарда ҳужайравий компонентларида бирор жиддий реакция кузатилмади (1-2-расмлар). Таъкидлаш жоизки, нурланиш берилмаган кўзда ҳам микро-


циркуляция фаоллашгани кузатилган, аммо морфометрик кўрсаткичлардаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли эмас.



**1-расм. I серия тажрибалар натижалари. Нурланишнинг шох пардага таъсири.
Б: Г-Э. К: 10×10.**

а. Интакт каламуш шох пардасининг нормал архитектураси. **б.** Шох парда юзаси рельефининг бузилиши, эпителиоцитлар ядросининг гиперхромия ва полиморфизми, 1 гуруҳ, 14 кун. **в.** Шох парда юзаси рельефининг меъёрдаги ўзгаришлари, эпителиоцитлар ядросининг гиперхромия ва полиморфизми, 2 гуруҳ, 14 кун. **г.** Шох парда архитектурасининг нормаллашуви, 2 гуруҳ, 21 кун

Атрофдаги тўқималарда ҳам бирор жиддий морфологик ўзгаришлар маълум бўлмади, шу билан бирга, капилляр қон айланишининг фаоллашуви ҳамда лимфа томирлар ҳажмининг нисбатан кенгайиши аниқланган. Қон айланиш фаоллашувининг максимал ўзгаришлари 3- ва 7-кунда кузатилган ҳамда 14-кунда келиб меъёрий кўрсаткичларга етган.



**2-расм. I серия тажрибалар натижалари. Нурланишнинг шох пардага таъсири.
Б: Г-Э. К: 10×10.**

а, б, в, г – Барча тажриба гуруҳидаги каламушлар тўр пардасининг нурланишга реакциясининг йўқлиги

1- ва 2-гуруҳдаги энг кескин реакция кўз ёши безларида кузатилган бўлиб, бу без суюқлигини ажратишнинг фаоллашувида – без дончалари миқдори ва ҳажмининг ортиши, шунингдек, ядро гиперхромиясида кўринади. 3- (60 Дж, 630 нм) ва 4-гуруҳ (120 Дж, 630 нм) ларда қон айланиши 1- ва

2-назорат гуруҳидагига нисбатан кўпроқ фаоллашган. Ушбу гуруҳда кўзни нурлаш цилиар тананинг шишига олиб келди. Бириктирувчи тўқима толалари ўртасидаги тор оптик бўш ҳудудлар кўринишидаги кескин шишиш белгилари аниқланди. Нурлашни бошлашнинг 14-кунига келиб бу ўзгаришлар меъёрлашди. Шох парда ва тўрпарда хужайравий компонентлари ёруғлик оптикаси жиҳатидан текширилганда аҳамиятга молик морфологик ўзгаришлар аниқланмади.

60 Дж энергия билан 7 марта нурлаш кўз ёши безларининг кескин реакция кўрсатишига олиб келди. Бу ацинар бўлмалардаги ўчоқли дисторик ўзгаришларда кузатилди ва кўз ёш безлари йўллари анчагина кенгайган эди. Ўз навбатида, 120 Дж доза кўз ёши безларининг тотал шикастланишига сабаб бўлган, бу эса ўчоқли инфилтрация ва эпителий парчалари йиғилиб қолган йўлларнинг анчагина кенгайишини келтириб чиқарган. Бундай вазиятда кўз соққаси атрофидаги юмшоқ тўқималарда ҳам ўчоқ қон кетиши кузатилган.

Таҷрибаларнинг иккинчи сериясида шох парда куйдирилгандан кейин бир кун ўтиб, барча гуруҳларда характерли ўзгаришлар содир бўлган, бу яра атрофидаги тўқималарнинг кескин шишида кўринган. Куйиш зонасининг ўзи эса инфилтрланган нейтрофил лейкоцитларнинг детрит массасида кўринади. Куйиш зонаси атрофида яллиғланиш характеридаги шох парда архитектурони-каси кескин бузилиб, шишиш, инфилтрация, кератоцитлар фаоллашуви ва неоваскулогенез кабиларда ўз ифодасини топган. Склерада мўътадил яллиғланиш реакцияси юз берган, кўзнинг олд камерасида йиринг-фибриноз экссудат қайд этилган, бу эса нейтрофиллар етакчилик қилган полиморф хужайравий инфилтрацияда ўз ифодасини топган. Цилиар танада кескин кенгайган қон томирлар ва полиморф хужайравий инфилтрация аниқланган. Тўр парда юзасида кўп миқдорда йиринг-фибриоз экссудат кузатилган, хориоидал ҳудуд ҳам нейтрофиллар билан инфилтрацияланган. Қовоқнинг конъюнктивал қисмида мўътадил яллиғланиш ходисалари содир бўлган, бу шиш ва инфилтрацияда кўринди. Кўз ёши безларида безнинг мўътадил фаоллашуви кузатилди.


Динамикада гиперемия, гипопион, цилиар тана, рангпарда ва тўр парда шишиши кўринишидаги клиник белгилар 3-, айниқса, 7-кунга келиб, барча гуруҳларда камайган, аммо 2- ва 4-гуруҳларда мўътадил лейкоцитар инфилтрация кузатилган.

3-кунига келиб, 2- ва 4-гуруҳда яра атрофидаги шох парда нейтрофил лейкоцитлар билан инфилтрацияланган, бактериоскопик тадқиқотлар кўп миқдорда кокк микрофлораси борлигини аниқлади (3-расм). Бу гуруҳдаги аксарият ҳайвонларнинг кўз тузилишида полиморф хужайравий инфилтрация кузатилган, айниқса склера ва шишасимон тана ораси, шунингдек, тўр парда устида нейтрофилларнинг йирик ҳажмлари аниқланган.


Асосий бўлган 5-гуруҳда, яъни куйиш ҳудудида 3-кундан бошлаб детрит массаси ва нейтрофил инфилтрация миқдорининг камайиши кузатилган.

Шох пардадаги куйиш худуди атрофида, қолаверса, бошқа гуруҳлардаги каби шишиш ҳодисалари ва умумий архитектоник бузилишлар рўй берган. Аммо ушбу гуруҳда шох парданинг пролифератив жараёнлари, айниқса, яранинг ўзида унинг эпителийси фаоллашуви кескинроқ кўринишда намоён бўлган.


Нейтрофил инфильтрация ҳодисанинг 7-кунига келиб, барча гуруҳларда бактериал уруғланиши ишончли равишда паст бўлган, аммо 2- ва 4-гуруҳларда кескин кўринишдаги шишиш кузатилди.



а)



б)



в)

3-расм. II серия тажрибалар натижалари. Б: Г-Э. К: 10×10.

а. Шох парданинг куйиш зонасида яққол ифодаланган шиш ва инфильтрация, 2 гуруҳ 3 кун. **б.** Шох парданинг массив нейтрофил субшоҳ парда инфильтрацияси ва шиши, 3 гуруҳ, 7 кун. **в.** Субшоҳ парда лейкоцитар инфильтрацияси йўқ, 5 гуруҳ, 7 кун


5-гуруҳда кузатишнинг барча муддатларида субшоҳ парда худудидаги инфильтрат бошқа гуруҳлардагига қараганда нисбатан камроқ бўлган ва асосан, кўзнинг олд камераси, рангдор парда, цилиар худуд ва тўр пардадаги айлана ҳужайрали элементлар кўринишида намоён бўлган (4-расм).

Ўтказилган тадқиқотлар 300 мДж режимида фотодинамик нурланиш олган 1-гуруҳ ҳайвонлари қон зардобиди импульс режим (890 нм 3 мин), МДА миқдори таъсирнинг 3-кунига келиб 3,17 ($P < 0,001$) баравар ошган. Липидларнинг перекисли оксидланиши (ЛПО) интенсификацияси кейинчалик ҳам сақланиб қолган, фақат тажриба сўнгига келиб, биз МДА миқдорининг олдингиларга нисбатан 2 баравар ($P < 0,001$) ошганлигини кузатдик, аммо интакт каламушлар кўрсаткичлари статистик жиҳатдан 1,5 ($P < 0,05$) баравар юқори бўлган.

Шу билан бирга, айнан шу нурланиш режими қўлланиб, тўлқин узунлиги 3 дақиқа ичида 630 нм бўлганда (2-тажриба гуруҳи), ўрганилаётган кўрсаткич тадқиқотнинг барча даврларида фақат ошиб боришга мойил бўлган, айниқса, тажрибанинг 3-кунига келганда ва интакт каламушлар кўрсаткичларидан ишончли фарқланмаган.

15 сония давомида 60 Дж (630 нм) фотодинамик режимида нурланган ҳайвонлар гуруҳида нурланишдан кейинги эрта даврда (3- ва 7- кунига келиб) МДА миқдори бироз ошган, аммо кейинчалик, тажрибанинг

яқунланиш пайтида (14-кунига келиб) унинг ишончли равишда 1,47 ($P < 0,05$) баравар ошиши кузатилган.



4-расм. II серия тажрибалар натижалари. Б: Г-Э. К: 10×10.

а. Тўр парданинг тотал лейкоцитар инфильтрацияси, 4 гуруҳ, 7 кун. **б.** Тўр парда шиши, лейкоцитар инфильтрация йўқ, 5 гуруҳ, 7 кун

Бундан ҳам кучлироқ нурлаш режими қўлланилганда (4-гуруҳ) ЛПОнинг турғун интенсификацияга олиб келган: нурлашнинг 3-, 7- ва 14-кунларидан кейин мос равишда МДА миқдори ишончли равишда 2,05 ($P < 0,001$); 1,97 ($P < 0,001$) ва 1,98 ($P < 0,001$) марта ошган.

Шу тариқа ФДТ 300 мДж импульс режимда (630 нм 3 дақ) қабул қилинганда ЛПО интенсификацияси юз бермаган, аммо тўлқин узунлиги узайтирилгани сайин ЛПО интенсификацияси кузатилган. ФДТнинг кучланиши ва унинг давомийлигини ошириш ЛПО жараёнлари давомийлигини оширади.

Тадқиқотларимизнинг навбатдаги босқичида фотодинамик нурланиш турли кўринишларининг эндоген интоксикация даражасига таъсири ўрганилиб, у тажриба ҳайвонлари қон зардобида ЎОМ миқдорини аниқлаш орқали белгиланди. Ўтказилган тадқиқотлар 300 мДж импульс режимда (890 нм 3 дақиқа) нурланиш олган 1-гуруҳ ҳайвонлари қон зардобида ЎОМ миқдорининг 3-кунга келиб 2,37 ($P < 0,001$) баробарга кескин кўтарилиб, кейинчалик аста-секин пасайиб борган, тадқиқотнинг 7- ва 14-кунида эса интакт каламушлар кўрсаткичларидан мос равишда 2,05 ($P < 0,01$) ва 1,81 ($P < 0,01$) бараварга ошган.

Шу билан бирга, худди шу нурланиш режими сақланиб, аммо узунлик тўлқини 630 нм бўлганда ҳамда 3 дақиқа давомида нурланиш олинганда, ўрганилаётган кўрсаткич тажрибанинг 3-кунига келиб, ўсишга мойиллик сезилган (1,21 баравар). Тадқиқотнинг 7-кунида ЎОМ миқдорининг юқорилиги сақланиб қолаверди, фақат сўнгги палласига яқин, яъни 3- ва 7-кунига келиб, биз унинг тадқиқот кўрсаткичларига қараганда 1,32 ($P < 0,05$) ва 1,23 бараварга пасайганлигини аниқладик ҳамдаулар назорат кўрсаткичларидан фарқланмади.

60 Дж ФД режими (630 нм) да 15 сония давомида нурланган 3-гурух хайвонлари қон зардобидаги ЎОМ кўрсаткичлари 3- ва 7-кунга келиб, меъёрий кўрсаткичлар чегараларида бўлган, аммо кейинчалик улар аста-секин кўтарилган, тадқиқот сўнггида эса интакт каламушлар кўрсаткичларидан статистик ишончли равишда 1,27 ($P<0,05$) баравар ортиб борган.

Янада кучлироқ нурланиш режимини қўллаш (4-гурух) хайвонлар қони циркуляциясида ЎОМнинг аста-секинлик билан ортиб боришига олиб келиб, меъёрий кўрсаткичлардан 1,34 ($P<0,05$) бараварга ошган; нурланишдан кейинги 3-, 7- ва 14-кунда мос равишда 1,51 ($P<0,05$) ва 2,05 ($P<0,01$) бараварга ошган.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, шох парда куйиши 0,25% ли левомецетин эритмаси билан даволанганда гиперлипопероксидация пасайиб кетмайди, антибиотиклар ёрдамида терапия ўтказилганига қарамай, қон зардобида МДА миқдори интакт каламушлар кўрсаткичларидан ишончли равишда 2,45 ($P<0,001$) ва 2,6 ($P<0,001$) бараварга юқори бўлди ва даволашнинг 3- ва 7-кунига келиб ошган.

Фотосенсибилизаторсиз шох парда куйишини ФДТ орқали даволанганда гиперлипопероксидация кескинлигига сезиларли таъсир кўрсатмади. Мазкур гурух хайвонлари кўрсаткичлари даволашнинг 3- ва 7-кунига келиб, интакт гурух хайвонлари кўрсаткичларидан мос равишда 2,32 ($P<0,001$) ва 2,13 ($P<0,001$) бараварга юқори бўлди. Айтиш жоизки, левомецетин билан даволанган каламушлар гуруҳи кўрсаткичлари билан таққослаганда, ФДТ ўтказилганда МДА миқдори кўрсаткичлари даволашнинг 7-кунига келиб, бироз паст бўлган (1,22 бараварга, $P<0,05$).

Биз шох парда куйишига 1%ли МК қўллаганимизда гиперлипопероксидация кескинлигининг бироз пасайишини кузатдик. 1-гурух кўрсаткичлари билан қиёслаганда, қон зардобида МДА миқдори даволашнинг 3- ва 7-кунига келиб, мос равишда 1,25 ($P<0,05$) ва 1,34 ($P<0,05$) бараварга пасайди, аммо 14-кунга келиб, ўзгаришлар статистик аҳамиятсиз характер касб этди ҳамда 1- ва 2-гурухдаги кўрсаткичлардан жиддий фарқ қилмади. Тадқиқотларнинг барча даврида қон зардобидаги МДА миқдори интакт каламушлар кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан 1,95 ($P<0,001$) бараварга; даволашнинг 3-, 7- ва 14-кунларига келиб эса мос равишда 1,94 ($P<0,001$) ва 1,66 ($P<0,01$) бараварга юқори бўлган. Демак, МК бактерияга қарши таъсирга эга бўлиб, у гиперлипопероксидацияни пасайтиради.

Шох парда куйиши МК фотосенсибилизатори ёрдамида ФДТ қўллаб даволанган хайвонларда энг яхши натижага эришилди. Масалан, қон зардобида МДА миқдори статистик аҳамиятли равишда 1,35 баравар ($P<0,05$) ошди; 1-гурух каламушлари кўрсаткичларига қараганда 1,44 ($P<0,05$) ва 1,21 ($P<0,05$) баравар ошган; даволаш бошланганидан 3-, 7- ва 14-кунига келиб, 2-гурух хайвонлари кўрсаткичларига нисбатан 1,18 ($P<0,05$) ва 1,28 ($P<0,05$) бараварга, даволашнинг 14-кунига келиб 3-гурух хайвонлари кўрсаткичларига нисбатан 1,25 ($P<0,05$) бараварга ошган. Бундай ижобий ўзгаришларга қарамай,

таклиф этилаётган терапияда қон зардобидаги МДА миқдори интакт каламушлар кўрсаткичларидан ишончли равишда 1,81 ($P<0,01$) барабар, тадқиқот муддатларига мос равишда 1,81 ($P<0,01$) ва 1,32 ($P<0,05$) барабар юқори бўлган.

Тажриба ҳайвонлари қонидаги каталаза фаоллигини аниқлаш шох парда куйишида унинг ишончли равишда пасайишини кўрсатди. Шох парда куйишини 0,25% левомецетин билан стандарт даволаш жараёнида мазкур фермент фаоллиги аста-секинлик билан ошди, бироқ интакт каламушлар кўрсаткичларига қараганда барибир паст кўрсаткичда сақланиб турди.

Фотосенсибилизаторсиз ФДТ билан даволанган 2-гуруҳ ҳайвонларида қон каталазасининг фаоллиги даволаш бошланганидан 3 кун ўтиб, 1-гуруҳ ҳайвонлари кўрсаткичларидан биров юқори, аммо интакт каламушлар кўрсаткичидан 1,93 ($P<0,001$) барабарга кам бўлган, кейинчалик эса каталаза фаоллиги аста-секин ортиб борди (1,42 барабарга, $P<0,05$). Фермент фаоллигининг бундай ортишига қарамай, унинг кўрсаткичлари меъёрий катталиклардан 1,36 барабарга ($P<0,05$) паст бўлиб қолаверди.

Шох парда куйишида МКни дори воситаси сифатида қўллаш даволашнинг 3-кунига келиб, каталаза фаоллигини 1-ҳамда 2-гуруҳ ҳайвонлари кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 1,66 ($P<0,01$) ва 1,4 ($P<0,05$) барабарга ошди. Аммо бу катталиклар меъёрий кўрсаткичлардан 1,38 ($P<0,05$) барабарга паст эди. Кейинчалик каталаза фаоллиги жиддий ўзгармади, 1-гуруҳ кўрсаткичларидан ишонарсиз равишда юқори бўлиб, 2-гуруҳ кўрсаткичларидан фарқ қилмади.

Каталаза фаоллашуви 4-гуруҳ ҳайвонларида кузатилди. Тадқиқотнинг 3-кунига келиб, фермент фаоллиги 1-, 2-, 3-гуруҳ ҳайвонлари кўрсаткичларига қараганда статистик аҳамиятли тарзда мос равишда 1,81 ($P<0,01$); 1,52 ($P<0,05$) ва 1,1 барабар ошган, аммо у интакт каламушлар кўрсаткичларидан 1,27 барабар ($P<0,05$) ишонарли равишда паст бўлган. Кейинчалик (даволашнинг 7- ва 14-кунига келиб) фермент фаоллиги жиддий ўзгармаган, 1-гуруҳ кўрсаткичларидан биров юқори бўлган, бошқа гуруҳ ҳайвонлари кўрсаткичларидан фарқланмаган.

Демак, шох парда куйишини даволашда фотосенсибилизатор сифатида МКдан фойдаланиб ФДТ қўллаш бошқа даволаш усулларига қараганда қон зардобида ЎОМ миқдорининг ишонарли пасайишига олиб келади. Бу МДАнинг нисбатан паст кўрсаткичи, каталаза ва унинг компенсаторлик имкониятларининг нисбатан юқори даражадаги фаоллиги билан мос.

Диссертациянинг «**Кўз юзаси шикастланишларида фотодинамик терапия билан биргаликда комплекс терапия ўтказиш самарадорлигини клиник-функционал баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида конъюнктивит ва кератитлар билан оғриган беморларнинг клиник текшириш натижалари таҳлили ёритилган.

Ўтказилган микробиологик текширувларнинг кўрсатишича, инфекция жараёни қўзғатувчилар орасида, кўпинча, гемолитик стафилококк (26,4%) қайд этилган, эпидермал тури 17,2%, тилла ранги эса 16,4% ни ташкил этди.

Аралаш этиология 39%ни ташкил қилди, шу билан бирга, улар орасида стафилококлар комбинацияси ҳам учради. Пиоген, дифтероидлар, микрококлар, Candida, айрим ҳолларда E. Coli ва замбуруғлар шулар жумласидандир.

Ўтказилган даво чоралари натижасида микрофлора йўқлиги кузатилди: конъюнктивит бўлган беморларнинг асосий гуруҳида 2–3 кунга келибок, назорат гуруҳида 5–7 кунда қайд этилди. Кератитга чалинган беморларнинг асосий гуруҳида эса патоген микрофлора 3–4 кунга келиб йўқолган, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 7–8 кунга тўғри келади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, конъюнктивити бўлган беморларнинг иккала гуруҳида даставвал яллиғланиш жараёнининг энг юқори кўрсаткичларига мос келади. Шу билан бирга, ўрта даражали яллиғланиш даражаси назорат ва асосий гуруҳ беморларида 14 (82,3%) ва 12 (70,6%)ни ташкил этган, 3 (17,7%) ва 5 (29,4%) беморларда оғир даражадаги яллиғланиш кузатилган.

1-жадвал

Конъютивит билан касалланган беморларда яллиғланиш даражасининг динамик индекси

Беморлар гуруҳи	Кўзлар сони	Яллиғланиш даражасининг индекси, балларда			
		Даволаш динамикаси			
		Даволаш бошлангунча	3- кун	7- кун	10- кун
Назорат	34	18,9±0,41	13,9±0,71	6,4±0,86	1,4±0,12
Асосий	34	19,6±0,34	7,4±0,29***	0,6±0,02***	0,0±0,00***

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (***) - P<0,001)

1-жадвалдаги натижалар таҳлили асосида айтиш мумкинки, стандарт антибактериал даво чоралари ўтказилган беморларнинг назорат гуруҳида яллиғланишнинг оғирлик индекси даволашнинг 3-кунига келиб 1,36 (P<0,05) баравар пасайган, 11 нафар (64,7%) беморда ўрта, 6 нафар (35,3%) беморда энгил даражадаги яллиғланиш кузатилган. Кейинчалик (даволашнинг 7-кунига келиб) яллиғланиш индекси олдинги муддатга қараганда ишончли равишда 2,17 (P<0,001) баравар пасайган ҳамда текширилганларнинг барчасида энгил даражали яллиғланиш кузатилган. Текширувнинг сўнгги муддатига келиб, 5 (29,4%) нафар беморда энгил даражадаги яллиғланиш сақланиб қолаверди.

Назорат гуруҳи беморларининг кўрсаткичларига қараганда, ФДТ олган асосий гуруҳ беморларида яллиғланишнинг оғирлик даражаси даволашнинг 3-кунига келиб, дастлабки параметрлар ва айнан ўша муддатдаги назорат гуруҳи беморларининг кўрсаткичларидан 2,62 (P<0,001) ва 1,88 (P<0,001) баравар пасайган. Асосий гуруҳдаги барча беморларда биз энгил даражадаги яллиғланишни кузатдик. Кейинчалик (даволашнинг 7-кунига келиб) яллиғланишнинг оғирлик индекси 10 баравардан кўпроққа ишончли равишда

пасайган ва фақат 2 (11,8%) нафар беморда энгил даражадаги яллиғланиш кузатилган. Текширувнинг сўнгги муддатига келиб, барча беморларда яллиғланиш жараёни бартараф этилган. Бизнингча, бу яллиғланиш жараёни регрессияси, репаратив жараёнларнинг тезлашуви, шиши резорбциясининг кучайиши ва конъюнктива инфилтрациясини келтириб чиқарган фотодинамик терапиянинг кескин антибактериал таъсири билан боғлиқ.

Ўтказилаётган даволаш курсининг 7-кунига келиб, ижобий клиник динамика кузатилган. Конъюнктивит бўлган беморларнинг асосий гуруҳида даволашнинг умумий давомийлиги назорат гуруҳига қараганда 1,84 ($P < 0,01$) баравар пасайган. Бунда беморларнинг клиник текширувлари тахлили ФДТ-ни қўллаш оқибатида бирор умумий ва маҳаллий токсик-аллергик реакциялар келиб чиқмаганлигини кўрсатди.

Конъюнктивитга чалинган беморларнинг кўриш қобилияти дастлабки кўрсаткичлари барча гуруҳ беморларида коррекция билан бирга 0,7 ва 1,0 оралиғида бўлган. Стандарт антибактериал даволаш ва репаратив регенерация стимуляторларини олган, кератитга чалинган беморларнинг назорат гуруҳида яллиғланишнинг оғирлик индекси даволашнинг 3-кунга келиб, 1,17 баравар пасайган.

Кейинчалик (даволашнинг 7-кунга келиб) яллиғланиш индекси ишончли равишда 2 бараварга камайди, текширувнинг сўнгги босқичида эса тадқиқотнинг олдинги муддатларига қараганда 3,94 ($P < 0,001$) баравар камайган, энгил даражадаги яллиғланиш ҳодисалари текширилган кўзларнинг 6 тасида (40%) аниқланган. ФДТ ўтказиш даволашнинг 3-кунига келиб, яллиғланиш оғирлик индексининг аввалги параметрларга қараганда 2,17 ($P < 0,001$) баравар ва назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда 1,81 ($P < 0,001$) баравар пасайишига олиб келди. Кейинчалик (даволашнинг 7-кунга келиб) яллиғланиш даража-сининг индекси ишончли равишда аввалги текширув муддатлари ва назорат гуруҳидаги беморлар кўрсаткичларидан мос равишда 2,67 ($P < 0,001$) ва 2,52 ($P < 0,001$) баравар пасайган. Таклиф этилаётган терапияни ўтказишда даволашнинг сўнгги муддатига келиб, яллиғланиш жараёнлари даволанган беморларнинг барчасида йўқолган, назорат гуруҳидаги энгил даражали яллиғланиш эса 40% беморда сақланди (2-жадвал).

2-жадвал

Кератит билан касалланган беморларда яллиғланиш даражасининг динамик индекси

Беморлар гуруҳи	Кўзлар сони	Яллиғланиш даражасининг индекси, балларда			
		Даволаш динамикаси			
		Даволаш бошлангунча	3- кун	7- кун	10- кун
Назорат	15	19,4±0,54	16,5±0,57	8,3±0,27	2,1±0,25
Асосий	19	19,8±0,42	9,1±1,18***	3,3±0,27***	0

Изох: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (***) - $P < 0,001$)

Кератитга чалинган беморларнинг асосий гуруҳида даволашнинг биринчи кунда шох парда синдроми пасаяди, бу эса ёруғликдан кўркиш, ёш оқиши, цилиар характердаги оғриқларнинг камайиши билан намоён бўлди, беморлар ўзларини анча яхши ҳис қилган. Бу беморларда кўзда перикорнеал ва қон томир инъекцияси интенсивлигининг йўқолиши ва камайиши даволашнинг 4–5-кунга келиб содир бўлган. Назорат гуруҳида юқорида кўрсатилган белгиларнинг йўқолиши нисбатан секин содир бўлган. Суюклик ажралиши 8-кунга, шох парда синдроми ва перикорнеал инъекция 9-кунга келиб йўқолган.

Асосий гуруҳ беморларида шишнинг қайтиши ва шикастланиш атрофидаги шох парда тўқималари инфльтрацияси тиниклигининг тезда тикланишига олиб келган; 4–5-кунга (назорат гуруҳида 8–9 кунга) келиб шох парда шикастланиши тўлалигича эпителиал хужайралар билан қопланган, 5-кунга келиб (назорат гуруҳида – 8-9 кунга келиб) инфилтратлар сўрилиши содир бўлган. Гуруҳларда яллиғланиш жараёнининг турли муддат ичида бартараф этилиши даволаш муддатларида ўз аксини топди: асосий гуруҳда кўрсаткич $5,4 \pm 0,42$ ўрин-кунни ташкил этган бўлса ($P < 0,01$), назорат гуруҳида $8,9 \pm 0,4$ ни ташкил этди.


ФДТ қўлланган гуруҳларда шох парданинг тўлиқ эпителизацияси кузатилиб, юзаки кератит бўлган 13 (86,7%) нафар беморда унинг тиниклигига путур етмаган. Шох парда хиралашганда васкуляризация йўқ ёки кучсиз бўлган. Шу билан бирга, назорат гуруҳидаги кўзларнинг аксариятида шох парда васкуляризацияси қайта ривожланишга мойил бўлмади, шох парда хираланиши интенсивлиги юқори бўлади: шох парда тиниклигининг тикланиши 3 (20%) нафар беморда кузатилди, бу эса асосий гуруҳ кўрсаткичларидан 3,42 ($P < 0,001$) баравар кам бўлиб, 80% ҳолатда булутсимон хираланиш ёки «доғ»лар кузатилган. Кўринадики, асосий гуруҳникига қараганда 2,53 баравар ($P < 0,001$) кўп.

Кератитга чалинган беморларнинг 30 нафарида (30 та кўз) кўриш ўткирлиги 0,1 ва 0,9 оралиғида бўлди.

Стромал кератитларда кўриш ўткирлиги шох парда шишиши ва хираланиши сабабли анча заифлашган эди. Назорат гуруҳидаги беморлардан 6 та кўзда 0,6 дан паст кўриш ўткирлиги (КЎ) қайд этилган, асосий гуруҳда – 8 тасида, бу эса мос равишда 40 ва 43,3%ни ташкил этди. Бу гуруҳлардаги беморларнинг 8 (60%) ва 7 (46,7%) тасида кўриш ўткирлиги 0,6 дан юқори бўлди. Кератит бўлган асосий гуруҳ беморларида КЎнинг 0,1-0,2 га ошиши 13,3% ҳолатда кузатилган. Назорат гуруҳи кўрсаткичларидан фарқли ўларок, асосий гуруҳда беморлари даволашнинг 4- ва 5-кунга келиб, кўз ўткирлигининг ошганлигини қайд этишган: 26,7% ҳолатда КЎ 0,2-0,3 га, 40% ҳолатда 0,4 дан кўпроққа ошган. Демак, КЎ динамикасининг таҳлили ФДТ қўллаб комплекс даволаш самарадорлиги стандарт усулда даволанган беморлар гуруҳига қараганда юқори эканлигини кўрсатади. Ишлаб чиқилган миқдор ва кучланишдаги фотодинамик ускуна ва МКни қўллаб ФДТ ўтказиш кўз юзасининг яллиғланиш касалликларида (КЮЯК) репарация ҳамда регенерация жараёнларига ижобий эпителийлаштирувчи ва бактериостатик

таъсир ўтказади. Таклиф этилган комплекс даволаш конъюнктивит ва юзаки кератитлар клиник манзарасини яхшилади, бу эса яллиғланиш инфилтрацияси ҳамда шох парда эпителизациясида кўринади.

Эндоген интоксикация кўрсаткичлари бўйича ўтказилган текширувлар конъюнктивит бўлган беморлар қон зардобида ЎОМ миқдори соғлом кишилар кўрсаткичларига қараганда 1,42 ($P < 0,05$) баравар статистик аҳамиятли ортиб борганлигини кўрсатиб, $0,332 \pm 0,004$ шартли бирликни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич донорларда $0,234 \pm 0,007$ шартли белгидан иборат бўлган эди. Юзаки бактериал кератитга чалинган беморларда айна кўрсаткич янада кўтарилиб, $0,397 \pm 0,011$ шартли белгини ташкил этди, бу эса меъёрий кўрсаткичлардан 1,7 ($P < 0,01$) баравар кўп демакдир. ЎОМ организмдаги метаболик бузилишларнинг интеграл кўрсаткичи эканлиги ва эндоген бузилишлар ҳақида гувоҳлик беришини инобатга олиб тахмин қилиш мумкинки, кўз яллиғланиш касалликларида эндоген интоксикация кузатилади. Бу юзаки кератитга чалинган беморлар гуруҳида кўпроқ намоён бўлди (5- расм).



5-расм. Даволаш мобайнида беморларнинг қон зардобида ЎОМ ўзгариш динамикаси

Конъюнктивитлар стандарт фармакотерапияси даволанган беморлар қон зардобида ЎОМ миқдорининг пасайишига олиб келади. Мазкур кўрсаткич катталиклари даволаш охирига келиб, дастлабки параметрларга қараганда 1,24 ($P < 0,05$) баравар пасайган, аммо меъёрий катталиклардан ишонарли равишда 1,15 баравар юқори бўлди, бу эса эндоген интоксикациянинг сақланиб қолганлигидан далолат беради. Конъюнктивитга чалинган беморларда ФДТ ўтказиш ҳам бемор қон зардобида ЎОМ миқдорининг дастлабки параметрларга қараганда 1,3 ($P < 0,05$) баравар пасайишига олиб келган. Бу кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги беморлар кўрсаткичларидан бироз паст ҳамда соғлом кишилар кўрсаткичларига қараганда кўпайишга мойил. Келтирилган маълумотлардан кўринадикки, ФДТ кўпроқ ижобий таъсир кўрсатган ҳамда эндотоксинемияни ҳам пасайтирган.

Кератитга чалинган беморларни даволаш жараёнида ҳам эндоген интоксикация ходисаларининг пасайишида ижобий динамика кузатилди. Масалан, юзаки кератит касаллиги стандарт равишда даволанган беморларда ЎОМ миқдори дастлабки параметрларга қараганда 1,47 ($P < 0,05$) баравар ишончли равишда камайган, аммо барибир меъерий катталиклардан 1,14 баравар юқори бўлиб қолаверган. ФДТ олган беморлар гуруҳида қон зардобиди ЎОМ миқдори дастлабки параметрларга қараганда 1,6 ($P < 0,01$) баравар пасайган. Айтиш жоизки, бу кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги беморларнинг шундай кўрсаткичларидан бироз паст, соғлом кишилар кўрсаткичларидан эса бироз юқори бўлган.

Демак, кўзида яллиғланиш касалликлари бор беморларга ФДТ салбий таъсир кўрсатмаган. У кўздаги яллиғланиш жараёнларини камайтириб, эндоген интоксикация клиник кўринишлари ва қон зардобиди ЎОМ миқдорининг камайишига олиб келган.

Ўтказилган текширувларнинг кўрсатишича, яллиғланиш касалликлари мавжуд беморларнинг кўз ёшларида антиоксидант химоя (АОХ), ЛПО ва оксил балансининг бузилишига мойиллик бўлади. Масалан, конъюнктивитга чалинган беморларнинг кўз ёшларида умумий оксил миқдори статистик жиҳатдан соғлом кишилар кўрсаткичларига қараганда 1,24 баравар ($P < 0,05$), кератит бўлган беморларда эса 1,52 ($P < 0,01$) баравар ошган.

Шу билан бирга, текширувдан ўтказилган беморларнинг кўз ёшида МДА миқдори соғлом кишилар кўрсаткичларига қараганда конъюнктивитда 1,48 ($P < 0,05$) баравар, юзаки кератитда 2,67 ($P < 0,001$) баравар ошганлиги аниқланди. Кўз яллиғланиш касаллиги бўлган беморларнинг кўз ёши суюқлигидаги МДА миқдорининг таҳлили касалликнинг дастлабки босқичида мазкур кўрсаткич беқарор эканлигини кўрсатди ва у яллиғланиш жараёнининг оғир-енгиллигига қараб ўзгариб турди.

Шунингдек, биз каталаза фаоллигини ҳам аниқладик, унинг қийматлари шох пардадаги патологик жараён чуқурлигига қараб фарқланди. Масалан, ўткир ва сурункали конъюнктивит бўлган беморларда касалликнинг ўткир даврида кўз ёши суюқлигидаги каталаза фаоллиги соғлом кишилар кўрсаткичларига қараганда 1,27 ($P < 0,05$) бараварга пасайган бўлса, мазкур кўрсаткич юзаки бактериал кератитга чалинган беморларда 2,13 ($P < 0,001$) баравар камайган.

Ишда каталаза фаоллиги ва МДА миқдори ўртасидаги нисбат аниқланди. Ҳисоб-китобларнинг кўрса-тишича, мазкур ҳолат конъюнктивит билан оғриган беморларда $0,056 \pm 0,002$, кератитда $0,019 \pm 0,001$ ташкил этган. Ваҳоланки, соғлом кишиларда ушбу кўрсаткичлар $0,106 \pm 0,009$ дан иборат бўлган. Ҳисоблашда кўз ёши суюқлигидаги каталаза ферментининг компенсаторлик имкониятлари конъюнктивит ва кератитга чалинган беморлар гуруҳида мос равишда меъерий катталикларга қараганда 1,89 ($P < 0,001$) ва 5,58 ($P < 0,001$) баравар пасайишини, яъни фермент фаоллиги кўриш органи тўқималаридаги эркин радикаллар тенглигини сақлаб туриш учун етарли эмаслигини аён этди, бу эса кўз ёши суюқлигида МДА миқдори кўрсаткичларининг юқори эканлигида кўринади.

Олинган натижалар асосида айтиш мумкинки, кўз яллиғланиш касалликлари ЛПО интенсификацияси ва кўз ёш суюқлигида (КЁС) каталаза фаоллигининг ўзгаришида намоён бўлади, уларнинг йўналиши ҳамда миқдори ҳам патология даражасига боғлиқ.

Даволаш жараёнида КЁС параметрларини тадқиқ этиш асосий терапия ўтказилгандан сўнг оқсил миқдори конъюнктивитга чалинган беморларда 1,24 баравар, кератит билан оғриган беморларда эса 1,31 баравар статистик ишонarli равишда пасайишини кўрсатди. Агар конъюнктивитбор беморларда соғлом кишилар кўрсаткичларига деярли яқинлашув кузатилган бўлса, кератитга учраган беморларда ошишга мойиллик сезилди. Таклиф этилаётган усул бўйича ФДТ ўтказишда дастлабки параметрларга қараганда оқсил миқдорининг пасайиши нисбатан кучли бўлган ҳамда конъюнктивит ва кератитга чалинган беморлар гуруҳларида мос равишда 1,42 ва 1,56 бараварга тенгкелган, у иккала гуруҳда ҳам меъёрий катталикларга яқинлашган.

Конъюнктивит ва кератит базавий терапиясини амалга ошириш КЁСда каталазанинг адекват фаоллигини 1,15 ва 1,92 баравар оширади ва бу кўрсаткичларни қарийб соғлом кишиларни кига яқинлаштиради. Бу эса кўз ёши суюқлигида МДА миқдорининг даволашгача бўлган кўрсаткичга нисбатан 1,26 ва 1,67 баравар пасайишига хизмат қилди. Шундай ижобий силжишларга қарамай, ЛПО интенсификацияси сақланиб қолган. Зеро, МДА миқдори кўрсаткичлари конъюнктивит ва кератитга чалинган беморлар гуруҳидаги кўрсаткичларга қараганда тегишли равишда 1,16 ва 1,59 баравар юқори бўлгани кўзда деструктив жараёнлар сақланганлигидан далолат беради.

Кўз яллиғланиш касалликлари бўлган беморларда ФДТ ўтказиш каталаза фаоллигининг нисбатан кучайишига олиб келган: конъюнктивит бўлган беморларда дастлабки кўрсаткичлар ва базавий даволанган беморлар гуруҳидаги кўрсаткичларга қараганда 1,43 ва 1,21 баравар, юзаки кератитларни даволашда 2,35 ва 1,24 баравар ўсган. Иккала гуруҳда ҳам фермент фаоллиги деярли соғлом кишилар кўрсаткичларидан хатто юқори ҳам бўлди (конъюнктивит ва кератити бор беморлар гуруҳига нисбатан 1,11 ва 1,12 баравар). Кўз ёши суюқлигида каталазанинг бундай фаоллашуви пероксидли радикалларнинг янада зарарсизланишига олиб келгани ФДТ ўтказилгандан кейинги МДА миқдорининг конъюнктивит ва кератит бўлган беморлар гуруҳида дастлабки параметрларга қараганда мос равишда 1,42 ва 2,25 баравар пасайганлигида кўринади. Айтиш жоизки, айна кўрсаткичлар юқорида кўрсатилган патологияга кўра, базавий даволаш олган беморлар гуруҳи кўрсаткичларига қараганда 1,11 ва 1,34 баравар паст бўлган. МДА миқдори КЁСда конъюнктивитга чалинган беморларда деярли соғлом кишилар кўрсаткичларига яқинлашган бўлса, кератитга учраган беморларда улардан 1,18 баравар юқорилиги сақланган.

Кўз яллиғланиш касалликлари мавжуд беморларда каталаза компенсаторлик имкониятларининг даволашдан кейин ўтказилган ҳисоб-китоби шуни кўрсатдики, конъюнктивит бўлган назорат гуруҳидаги

беморларда унинг кўрсаткичлари $0,057 \pm 0,002$ дан $0,084 \pm 0,005$ га кўтарилган (1,47 бараварга), ammo деярли соғлом кишилар кўрсаткичларидан 1,26 баравар пастлигича қолаверди ($0,106 \pm 0,009$). ФДТ олган беморларнинг асосий гуруҳида мазкур кўрсаткич $0,055 \pm 0,003$ дан $0,114 \pm 0,009$ гача ошган (2,07 баравар) ваназорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан ишонарли равишда 1,36 баравар юқори ҳамда деярли соғлом инсонлар кўрсаткичларига қараганда ошишга мойил бўлди.

Кератитга чалинган беморлар гуруҳида базавий терапия ҳам КЁСда каталазани фаоллаштирди. Масалан, мазкур кўрсаткич $0,019 \pm 0,001$ дан $0,060 \pm 0,004$ гача кўтарилди (3,16 баравар ошган). Ammo КЁС да каталазанинг компенсаторлик функциялари соғлом кишилар кўрсаткичларига қараганда паст бўлиб қолаверди (1,77 баравар пасайган). ФДТ сеансларини олган асосий гуруҳ беморларида каталазанинг компенсаторлик имкониятлари $0,019 \pm 0,001$ дан $0,100 \pm 0,006$ гача кўтарилди (ўсиш 5,26 бараварга тенг) ҳамда меъёрий катталикларга яқинлашди. Мазкур кўрсаткич назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 1,66 баравар юқори бўлиб, кўз ёши суюқлиги антиоксидант хусусиятларини коррекциялашда фотодинамик нурланишнинг самарадор эканлиги тасдиқлайди.

Кўз яллиғланиш касалликларини стандарт усулда даволаш маълум маънода антиоксидант ҳимоя ферментларининг фаоллашуви ва кўз ёши суюқлигида ЛПО маҳсулотлари пасайишига олиб келади. Бу кескинрок кўринишда конъюнктивитга чалинган беморларда намоён бўлади, кератитларда эса ЛПО-АОХ тизимидаги номутаносиблик сақланиб туради. Фотосенсибилизатор сифатида МК ёрдамида фотодинамик нурланиш сеансларини ўтказиш конъюнктивит ва кератит билан оғриган беморларда ЛПОнинг кўпроқ барқарорлашуви ҳамда каталаза ферментининг фаоллашувига олиб келади.

Демак, КЮЯКни комплекс даволашда ФДТдан фойдаланиш кўздаги яллиғланиш жараёнларини анча камайтириб, шох парда синдромининг йўқолиш муддатларини қисқартиради, шунингдек, регенератив ва репаратив жараёнларни кучайтиришга, эндоген интоксикация пасайиши ҳисобига шиш йўқолиши ҳамда шох парданинг тезроқ тикланишига ёрдамлашади.

ХУЛОСА

«Кўз юзаси яллиғланиш касалликларни комплекс даволашни юзасининг яллиғланиш касалликларини комплекс даволашни ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини клиник-экспериментал баҳолаш» мавзусида бажарилган докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосага қилинади:

1. Гисто-морфологик тадқиқотлар маълумотлари асосида тажрибада фотодинамик терапиянинг кўз тўқималарига таъсир этиш миқдори ишлаб чиқилди. Кўзнинг олд қисми касалликларини даволаш учун 300 мДж (630 нм, экспозиция 3 дақиқа) терапевтик миқдордаги фотодинамик нурланиш оптимал ҳисобланади.

2. Ишлаб чиқилган миқдор ва кучланишда 7 кун давомида фотодинамик терапияни қабул қилиш куйган шох пардада репарация жараёнларига эпителий ҳосил қилувчи таъсир кўрсатади. Таклиф этилаётган даволаш кўздаги куйишнинг клиник манзарасини яхшилайти, тажрибада бу яллиғланиш инфилтрацияси пасайиши ва шох пардада эпителизация жараёнининг кучайишига олиб келади.

3. Ишлаб чиқилган даволаш тизими тажриба ҳайвонлари қонининг биокимёвий кўрсаткичларининг динамикаси гиперпероксидациянинг пасайиши, каталаза ферметининг фаоллигининг ортиши, шунинг натижасида эндоген итонксикация ҳодисаларининг камайиши ва зарарланган ўчоқда эпителизация жараёнининг эрта бошланишига олиб келади.

4. тадқиқотдан олинган натижалар ва кўзнинг клиник-функционал жиҳатдан тасдиқланган кўрсаткичлари ҳамда лаборатория таҳлиллари асосида фотодинамик терапия ёрдамида кўз юзаси яллиғланиш касалликларини комплекс даволаш услуби ишлаб чиқилди.

5. Ишлаб чиқилган даволаш тизимида фотодинамик терапия кўз юзаси яллиғланиш касалликларини даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилди: Даволашнинг 5–6 кундан бошлаб кўзнинг шох пардасининг эпителиал тўқималарнинг тикланиши тезлашти, 86,6% ҳолатда шох парда тиниклиги тикланди, кўриш қобиляти 86,7% га ошти, шифоханада даволаш муддати 5–6 кунга қисқариши қайт қилинди.

6. Кўз юзаси яллиғланиш касалликлари бўлган беморлар кўз ёши суюқлигида малон диальдегид миқдори ортади, каталаза фаоллиги пасаяди ва липидларнинг перекисли оксидланиши антиоксидант ҳимоя тизимида номутаносиблик кучаяди. Беморларни комплекс даволашда фотодинамик терапия қўлланилиши каталаза ферментини фаоллигини кучайтириб, малон диальдегиднинг даражасини пасайтиради, эндоген интоксикация даражасини камайтиради, конъюнктива ҳамда шох пардадаги тикланиш жараёнлари тезлашишига сабаб бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

НАРЗИКУЛОВА КУМРИЖОН ИСЛОМОВНА

**РАЗРАБОТКА И КЛИНИКО-ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ ОЦЕНКА
ЭФФЕКТИВНОСТИ КОМПЛЕКСНОГО ЛЕЧЕНИЯ
ВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ГЛАЗНОЙ ПОВЕРХНОСТИ**

14.00.08 – Офтальмология

**АВТОРЕФЕРАТ (DSc) ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема докторской (DSc) диссертации по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.DSc/Tib138

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.tdsi.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный консультант:

Бахритдинова Фазилат Арифовна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Park Sang Woo (Южная Корея)
доктор медицинских наук, профессор

Юсупов Амин Азизович
доктор медицинских наук, профессор

Исраилов Ражаббой
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Офтальмологическая клиника «Ocusan»,
Брасов (Румыния).**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103, тел./факс: Тел: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99. E-mail: tdsi2016@mail.ru).

С диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирован за № _____) Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Махтумкули, 103, тел/факс: Тел.: +998-(71) 230-20-65

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2018 года).

Ж.А. Ризаев
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.м.н., доцент

Л.Э. Хасанова
Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.м.н., доцент

Х.М. Камилов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире с каждым днем увеличивается количество заболеваний, связанных с понижением зрения. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) воспалительными заболеваниями глаз страдают около 16 млн. человек, составляя 40,2% амбулаторного приема и до 50% госпитализированных. По нозологическим формам имеет место преобладание конъюнктивитов (60%) и кератитов (10%). Эти заболевания сопровождаются снижением зрительных функций и приводят к возникновению серьезных осложнений в 26% случаев, а в 19% случаев могут приводить даже к потере органа зрения¹.

В мире ведется ряд научных исследований, с целью достижения высокой эффективности ранней диагностики и профилактики воспалительных заболеваний глаз, наряду с этим, еще полностью не изучены причины возникновения воспалительных заболеваний глаз; не обоснованы эндогенные и экзогенные факторы, приводящие к роговичной слепоте; не обоснован механизм развития воспалительных заболеваний глаз на животных; не разработаны клинические критерии ранней диагностики воспалительных заболеваний глаз; не разработаны критерии оценки патогенеза заболевания по данным сравнительного анализа биохимических параметров; не обоснована необходимость изучения дозы излучения при лазерном лечении воспалительных заболеваний глаз; разработка алгоритма ранней диагностики и лечения заболевания; не доказано их преимущество в лечении заболеваний глаз с применением современных технологий; внедрение современных методов с использованием лазеров имеет важное значение в лечении заболеваний.

После обретения независимости в нашей стране система здравоохранения была полностью обновлена, внедрение ранней диагностики и лечения офтальмологических заболеваний в практическую медицину привело к уменьшению офтальмопатологий среди различных слоев населения. В связи с этим, в результате внедрения в клиническую практику широкомасштабных программных мероприятий, раннего выявления заболеваний органа зрения, применения современных методов диагностики улучшилось качество жизни пациентов и уменьшилось количество осложнений заболеваний на 10-12%. На сегодняшний день согласно стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы оказание высококвалифицированной медицинской помощи среди населения, в частности профилактика и диагностика глазных заболеваний, оказание высококвалифицированной и качественной медицинской помощи посредством широкого применения современных технологий имеет определенное значение в повышении качества жизни среди различных слоев населения².

¹ Tommy Ch.C.Y., Wan K.H., Shih K.C. Advances in dry eye imaging: the present and beyond // British Journal of Ophthalmology. 2017. №1. doi: 10.1136/bjophthalmol-2017-310759

² Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах

Данная диссертационная исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Постановлением Президента Республики Узбекистан указ № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения» за №-1652 от 28 ноября 2011 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования, посвященные изучению влияния фотодинамической терапии, разработка эффективной схемы лечения проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе в Universität des Saarlandes, Ophthalmosurgical Center of Wuppertal (Германия); University of Auckland (Новая Зеландия); Sackler Medical School, Tel-Aviv University (Израиль); Higher Medical School of Ehime (Япония); Seran Eyelid Clinic (Южная Корея); Межсетевой научный комплекс «Микрохирургия глаза», Медицинский радиологический научный центр Российской медицинской академии (Россия); Институт глазных болезней и тканевой терапии им. В.П. Филатова (Украина); Казахский научно - исследовательский институт глазных болезней (Казахстан) и Ташкентская медицинская академия (Узбекистан).

В мире в результате усовершенствования методов, направленных на повышение эффективности диагностики и комплексного лечения воспалительных заболеваний получен ряд значимых научных результатов: доказано, что под воздействием лазерного излучения фотосенсибилизатора происходит высвобождение свободнорадикального кислорода, который повреждает мембрану микроорганизмов и нуклеиновую кислоту и приводит к появлению более мощных коллагеновых волокон в роговичных слоях (Universität des Saarlandes (Германия); установлены пороговые параметры фотодинамического повреждения интактной сетчатки и сосудистой оболочки в эксперименте (Ophthalmosurgical Center of Wuppertal (Германия); доказано своеобразное малоинвазивное свойство фотодинамической терапии облитерировать новообразованные сосуды роговицы, не повреждая близлежащие ткани (University of Auckland (Новая Зеландия); доказано, что в исследованиях, проведенных в лабораторных условиях *in vitro*, комбинированное использование фотодинамической терапии с ан-

³ Обзор международных научных исследований проведен с использованием следующих источников: <http://www.uniklinikum-saarland.de>, <http://www.hauck-rohrbach.de>, <https://www.fmhs.auckland.ac.nz>, <https://www.tau.ac.il>, <http://www.m.ehime-u.ac.jp>, <http://www.mntk.ru>, <https://www.institut-filatova.com.ua>, <http://mrrc-obninsk.ru/main>, <https://www.eyeinst.kz>, <http://www.rsmu.ru>, <http://helmholtz-eyeinstitute.ru>, <http://bascompalmer.org>, <http://www.unifesp.br>, <http://www.m.ehime-u.ac.jp>, <http://cu.edu.eg/ar>, <https://www.re-gionorebrolan.se>, <https://www.kkesh.med.sa>, <http://www.evms.edu>, <http://www.unica.it>, <http://www.BMJ>, <http://www.pub-med.com> и выполнено на основании других источников

антибиотиками оказывает синергетическое воздействие и фототоксическое действие, прежде всего на цитоплазму, затем литическое действие на стенку клеток микобактерий (Sackler Medical School, Tel-Aviv University (Израиль)); доказано значительное снижение прямой пропорциональной зависимости между дыхательной активностью трофозоитов, которые являются промежуточной формой бактерии *Acanthamoeba*, и концентрацией фотосенсибилизатора при лечении фотодинамическим лазером и метиленовым синим (МС) (Higher Medical School of Ehime (Япония)); обоснован оптимальный диапазон энергетической плотности лазерного излучения, не приводящий к глубоким морфологическим изменениям в сетчатке и циркуляторным нарушениям в хориоидее (Seran Eyelid Clinic (Южная Корея)); на экспериментальных моделях доказано влияние фотодинамической терапии на неоваскуляризацию различной этиологии (Межсетевой научный комплекс «Микрохирургия глаза» (Россия)); доказана эффективность противомикробного действия фотодинамической терапии (Институт глазных болезней и тканевой терапии им. В.П. Филатова (Украина), Медицинский радиологический научный центр Российской академии медицинских наук, (Россия)); доказаны клиничко – морфологические показатели противовоспалительного действия фотодинамической терапии (Ташкентская медицинская академия (Узбекистан)).

В настоящее время в мировом масштабе по клиничко – морфологическому обоснованию новых методов лечения воспалительных заболеваний глаз ведутся научно – исследовательские работы по ряду приоритетных направлений, в том числе, изучение этиологии, патогенеза воспалительных поражений глаз различного генеза; обоснование влияния эндогенной интоксикации на организм человека, разработка критериев диагностики и комплексного лечения воспалительных заболеваний глазной поверхности; изучение роли бактериальной флоры и взаимосвязи экзогенных факторов с развитием воспаления органа зрения; разработка современных, эффективных методик лечения с применением фотодинамической терапии.

Степень изученности проблемы. В последние годы в мире отмечается тенденция к увеличению частоты встречаемости воспалительных заболеваний глазной поверхности. Исследователи этой области, в основном, стараются изучить стимулирующие, микроциркуляторные и противовоспалительные свойства фотодинамической терапии (Mito T., Suzuki T., Kobayashi T., 2012; Szentmáry N., Goebels S., Bischoff M., 2012; Wang J., Stachon T., Eppig T., Langenbucher A., 2013; Arboleda A., Miller D., Cabot F., Taneja M., 2014; Goh Y.W., McGhee C.N., Patel D.V., 2014; Hamdan J., Boulze M., Aziz A., 2015; Kim R.Y., Chung S.K., Kim M.S., Ra H., 2016.). В работах Белого Ю. А. (2007) выявлено действие фотодинамической терапии при локальном лечении бактериальных язв роговицы. М. С. Аль-Асталь (2006) проведены экспериментальные исследования по изучению влияния ФДТ при неоваскуляризацию роговицы с применением метиленового синего и лазерного излучения длиной волны 578 нм. А. В. Терещенко (2010) проведена морфологическая оценка антимикробных фотодинамических эффектов на модели экспериментального эндофтальмита. В работах Н. В. Пасечниковой (2014) изучено использование метиле-

нового синего в комбинации с низкоинтенсивным лазерным излучением в эксперименте.

